

САНОАТИ РИВОЖЛАНАЁТГАН ДАВЛАТЛАРДА  
ИННОВАЦИОН ЛОЙИҲАЛАРНИ БОШҚАРИШ  
МУАММОЛАРИ: ТАҲЛИЛИЙ ЁНДАШУВ

*Уролбоев Шахзод Шухрат ўғли*

**Аннотация:** Мазкур мақолада ривожланган ва ривожланаётган давлатларда инновацион лойиҳаларни бошқаришнинг ўзига хос жиҳатлари таҳлил қилинган. Институционал муҳит, молиявий таъминот ва инсон ресурсларининг роли ўрганилган. Муаллиф инновацияларни самарали бошқаришдаги муваффақият ва муаммоларни қиёсий таҳлил асосида кўрсатиб берган. Шунингдек, инновацион фаолиятни ривожлантириш учун институционал ва стратегик тавсиялар илгари сурилган. Мақола инновацион сиёсат ва лойиҳа бошқаруви соҳаларида таҳлил, режалаштириш ҳамда баҳолашни такомиллаштиришга ҳисса қўшади.

**Калит сўзлар:** Инновацион бошқарув, Институционал ривожланиш, Молиявий таъминот, Инсон капитал, Инновацион лойиҳа, Ривожланган мамлакатлар, Ривожланаётган мамлакатлар, Давлат сиёсати, Лойиҳа самарадорлиги, Таҳлил усуллари

**Аннотация:** В статье рассматриваются особенности управления инновационными проектами в развитых и развивающихся странах. Анализируются институциональная среда, финансовое обеспечение и человеческие ресурсы как ключевые факторы успеха. Автор проводит сравнительный анализ существующих проблем и успешных практик в области инновационного управления. Также предложены институциональные и стратегические рекомендации по стимулированию инновационной деятельности. Работа способствует развитию подходов к планированию, анализу и оценке инновационных проектов.

**Ключевые слова:** Управление инновациями, Институциональное развитие, Финансирование, Человеческий капитал, Инновационные проекты, Развитые страны, Развивающиеся страны, Государственная политика, Эффективность проектов, Методы анализа

**Abstract:** This article explores the management of innovative projects in both developed and developing countries. It examines the role of institutional frameworks, financial support, and human resources in determining the success of innovation initiatives. The author provides a comparative analysis of challenges and best practices in innovation management. Strategic and institutional recommendations are proposed to foster innovative activity. The study contributes to improving methods of planning, analyzing, and evaluating innovation projects and policies.

**Keywords:** Innovation management, Institutional development, Financial

support, Human capital, Innovation projects, Developed countries, Developing countries, Government policy, Project efficiency, Analytical methods

Глобал иқтисодиётда инновациялар барқарор ривожланишнинг асосий омили сифатида эътироф этилади. Бироқ, ривожланаётган давлатларда инновацион лойиҳаларни бошқариш жараёни бир қатор мураккаб муаммоларга дуч келмоқда. Ушбу илмий мақолада саноати ривожланаётган мамлакатлардаги инновацион лойиҳаларни бошқаришнинг институционал, молиявий ва кадрлар билан боғлиқ муаммолари чуқур таҳлил қилинади.

**Муаммонинг долзарблиги.** Халқаро молия институтларининг ҳисоботларига кўра, ривожланаётган давлатларда лойиҳа бошқаруви етуклиги индекси сўнгги ўн йилликда пасайиш тенденциясини кўрсатмоқда. 2020 йилдаги тадқиқотларга асосан, бу кўрсаткич 2.64 баллни ташкил этган бўлиб, 2010 йилдаги 2.88 баллга нисбатан сезиларли пасайишни намоён этади.<sup>1</sup> Бу ҳолат лойиҳаларни самарали бошқаришдаги тизимли муаммоларнинг мавжудлигидан далолат беради.

Инновацион лойиҳаларни бошқариш методологиясини ўрганиш жараёнида қуйидаги асосий муаммолар аниқланди:

**1. Институционал заифликлар.** Жаҳон банкининг таҳлилий маълумотларига кўра, ривожланаётган давлатларда инновация сиёсати аксарият ҳолларда парчаланган характерга эга. Кўпинча бу давлатлар ривожланган мамлакатларнинг сиёсатларини тўғридан-тўғри кўчиришга уринадилар, бу эса маҳаллий шароитларга мос келмайдиган натижаларга олиб келади.

Институционал заифликлар қуйидаги кўринишларда намоён бўлади:

– Инновацион сиёсатни амалга оширувчи ташкилотлар ўртасидаги мувофиқлаштиришнинг етишмаслиги;

– Ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлардаги номувофиқликлар;

– Интеллектуал мулк ҳуқуқини ҳимоя қилиш механизмларининг заифлиги;

– Давлат-хусусий шериклик механизмларининг етарли даражада ривожланмаганлиги;

**2. Молиявий камомад.** Ривожланаётган мамлакатларда инновацион лойиҳаларни молиялаштириш манбалари чекланган бўлиб, асосан давлат бюджети ҳисобидан амалга оширилади. Хусусий сектор инвестицияларининг инновацион лойиҳаларга йўналтирилиши ривожланган давлатларга нисбатан анча паст даражада қолмоқда.

Молиявий муаммолар қуйидагиларда кўринади:

– Венчур капитали бозорининг ривожланмаганлиги

<sup>1</sup> Pretorius, S. & Steyn, H. & Bond-Barnard, Taryn. (2023). Project management maturity and project management success in developing countries. South African Journal of Industrial Engineering. 34. 36-48. 10.7166/34-2-2760.

- Банк тизимининг юқори технологик лойиҳаларни молиялаштиришга мослашмаганлиги;
- Инновацион лойиҳаларни суғурталаш механизмининг мавжуд эмаслиги;
- Давлат харидлари тизимида инновацион маҳсулотларга устуворлик берилмаслиги;

**3. Кадрлар салоҳияти билан боғлиқ муаммолар.** Лойиҳа бошқаруви соҳасида малакали мутахассисларнинг етишмаслиги ривожланаётган давлатларда инновацион лойиҳаларни амалга оширишда жиддий тўсиқ ҳисобланади. Халқаро стандартларга мос келадиган лойиҳа бошқаруви мутахассисларини тайёрлаш тизими кўпинча зарур даражада йўлга қўйилмаган.

Кадрлар муаммолари куйидагиларда намоён бўлади:

- Лойиҳа бошқаруви соҳасида малакали мутахассисларнинг етишмаслиги;
- "Мия оқими" муаммоси, яъни малакали мутахассисларнинг хорижга кетиши;
- Таълим тизимининг замонавий талабларга мос келмаслиги;
- Инновацион менежмент соҳасида амалий кўникмаларнинг етишмаслиги;

**Халқаро тажриба таҳлили.** Ривожланаётган давлатларда инновацион лойиҳаларни бошқаришнинг муваффақиятли халқаро тажрибалари куйидагиларни ўз ичига олади:

**Индо-Исроил инновация фонди (I4F)** – Ҳиндистон ва Исроил ўртасидаги ҳамкорлик натижасида ташкил этилган бу фонд 40 миллион АҚШ доллари миқдоридаги маблағ билан қишлоқ хўжалиги, соғлиқни сақлаш ва энергетика соҳаларидаги инновацион лойиҳаларни молиялаштиради. Масалан, Agrosolar Irrigation Systems Ltd. ва Vyoda Private Ltd. компаниялари ҳамкорлигида қуёш энергиясига асосланган арзон ва самарали сув насос тизимлари ишлаб чиқилган. Бу тажриба Ҳиндистонда 5,000 дан ортиқ фермер хўжалиklarини сув таъминоти билан боғлиқ муаммоларини ҳал қилишга имкон берди.

**Жаҳон банкининг InfoDev дастури** ривожланаётган мамлакатлардаги инновацион тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш мақсадида ишлаб чиқилган. Бу дастур доирасида Кения, Жанубий Африка ва Сенегалда Mobile Application Labs (mLabs) ташкил этилган. Натижада, Африкадаги стартап экотизими сезиларли даражада ривожланиб, 2015-2020 йиллар давомида 3000 дан ортиқ стартап лойиҳалари қўллаб-қувватланган ва 150 миллион АҚШ долларидан ортиқ инвестициялар жалб қилинган.

**Ўзбекистон мисолида таҳлил** қиладиган бўлсак, Ўзбекистонда инновацион лойиҳаларни бошқариш соҳасидаги жорий ҳолат куйидаги кўрсаткичлар орқали тавсифланади:

**Инновацион лойиҳалар ҳажми:** 2023 йилда Ўзбекистонда бажарилган ва сотилган инновациялар ҳажми 10.6 трлн сўмни ташкил этган. Бу кўрсаткичнинг

асосий қисми Тошкент шаҳри (47,6%) ва Андижон вилояти (15%) ҳиссасига тўғри келган. Бу маълумотлар инновацион фаолиятнинг минтақавий номутаносиблигини кўрсатади, яъни инновацион лойиҳаларнинг аксарияти пойтахт ва саноати ривожланган минтақаларда амалга оширилмоқда.<sup>2</sup>

**Фан ва инновация харажатлари:** 2022 йилда илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишларига жами харажатлар 1.788,3 млрд сўмни ташкил этган. Бу илмий-тадқиқот ишларини молиялаштиришда давлат секторининг устунлигини кўрсатади, бу эса хусусий секторнинг инновацион фаолиятда етарли даражада иштирок этмаётганидан далолат беради.

2023 йилда Ўзбекистонда R&D харажатлари ЯИМнинг 0.12527% ни ташкил этгани қайд этилган.<sup>3</sup> Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг 2019 йилги ҳисоботида кўра, 2019 йилда инновацион лойиҳаларни амалга оширган кичик корхона ва микрофирмалар сони 3753 тани ташкил этган.<sup>4</sup> Бу кўрсаткич умумий кичик корхона ва микрофирмалар сонининг нисбатан кичик қисмини ташкил қилишини, бу эса кичик бизнеснинг инновацион фаоллиги ҳали ҳам паст даражада эканлигини кўрсатади.

### Ўзбекистонда инновацион лойиҳаларни қўллаб-қувватлаш механизмлари

**IT Park Uzbekistan:** 2019 йилда ташкил этилган бу технопарк 2024 йилнинг учинчи чораги якунига кўра 36,300 ишчи билан фаолият юритмоқда. IT Park инновацион экотизимни ривожлантиришга катта ҳисса қўшиб, IT хизматлари, ўйин ишлаб чиқариш, креатив иқтисодиёт ва таълим соҳаларидаги компанияларни қўллаб-қувватламоқда. Технопарк резидентларига солиқ имтиёзлари, инфратузилма ва бошқа хизматлар тақдим этилади. Бу эса рақамли технологиялар соҳасидаги инновацион лойиҳаларни бошқаришнинг самарали механизми сифатида ўзини оқламоқда.

**TUIT Инкубация Маркази:** Мухаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университетида 2022 йил 6 майда ташкил этилган инкубация маркази талабаларнинг инновацион лойиҳалари ва стартапларини қўллаб-қувватламоқда. Марказ талабаларга ментор кўмаги, моддий-техник база ва инвесторлар билан алоқа ўрнатиш имкониятларини тақдим этади. 2022-2024 йиллар давомида марказ 50 дан ортиқ стартап лойиҳаларини қўллаб-қувватлаган.

**Бухоро давлат университетидаги илмий-инновацион ишланмаларни тижоратлаштириш бўлими** профессор-ўқитувчилар ва талабалар томонидан амалга ошириляётган лойиҳаларни қўллаб-қувватлаш, уларни патентлаш ва

<sup>2</sup> DARYO - A decade of progress: The evolution of innovation in Uzbekistan, Article, 10.01.2025, <https://daryo.uz/en/2025/01/10/a-decade-of-progress-the-evolution-of-innovation-in-uzbekistan>

<sup>3</sup> Trading Economics - Uzbekistan - Research And Development Expenditure (% Of GDP), Reports, 2025, <https://tradingeconomics.com/uzbekistan/research-and-development-expenditure-percent-of-gdp-wb-data.html>

<sup>4</sup> THE STATE COMMITTEE OF THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN ON STATISTICS - Science and innovation in the Republic of Uzbekistan in 2019, Report, [https://stat.uz/uploads/docs/Innovatsiya\\_en.pdf](https://stat.uz/uploads/docs/Innovatsiya_en.pdf)

бизнес-режалар тайёрлаш каби вазифаларни бажармоқда. Бу бўлим университетдаги илмий-тадқиқот натижаларини тижоратлаштириш учун мустахкам кўприк вазифасини ўтамоқда.

Ривожланган ва ривожланаётган давлатларда инновацион лойиҳаларни бошқариш жараёнлари қуйидаги жиҳатлар бўйича фарқланади (1-жадвал):

**1-жадвал. Ривожланган ва ривожланаётган давлатларда инновацион лойиҳалар бошқаруви.**

Асосий омиллар	Ривожланган давлатлар (АҚШ, Германия)	Ривожланаётган давлатлар (Ўзбекистон)
<b>Молиялаштириш</b>	Юқори даражада, хусусий сектор етакчи (60-70%), венчур капитали ривожланган	Чекланган, асосан давлат сектори (50% дан ортиқ), венчур капитали бозори шаклланиш босқичида
<b>Инфратузилма</b>	Тўлиқ ривожланган, инновацияларни кенг миқёсда қўллаб-қувватлайдиган экотизим	Ривожланаётган, баъзи соҳаларда (АКТ, фармацевтика) нисбатан яхши, бошқаларида сезиларли етишмовчиликлар
<b>Кадрлар салоҳияти</b>	Юқори малакали, халқаро тажрибага эга, 75% дан ортиқ инновацион лойиҳа менежерлари сертификатлаштирилган	Ривожланаётган, таълим тизими ислоҳ қилинмоқда, сертификатланган мутахассислар 25% дан кам
<b>Инновацион муҳит</b>	Рақобатбардош, қўллаб-қувватловчи, "ғоядан бозоргача" занжири тўлиқ ишлайди	Ривожланаётган, бюрократик тўсиқлар мавжуд, инновацион кадриятлар шаклланиш босқичида
<b>Давлат сиёсати</b>	Стратегик, узок муддатли (10-15 йил), соҳалараро интеграциялашган	Ривожланаётган, асосан қисқа ва ўрта муддатли (3-5 йил), соҳалар бўйича фрагментлашган

**Муаммоларни ҳал қилиш йўллари.** Ривожланаётган давлатларда, жумладан Ўзбекистонда инновацион лойиҳаларни бошқариш самарадорлигини ошириш учун қуйидаги чора-тадбирлар таклиф этилади:

**1. Институционал муҳитни такомиллаштириш:**

- Инновацион сиёсатни амалга оширувчи идоралар ўртасида мувофиқлаштиришни кучайтириш;
- Интеллектуал мулк ҳуқуқини ҳимоя қилиш механизмларини такомиллаштириш;
- Инновацион лойиҳаларни баҳолаш ва мониторинг қилиш учун шаффоф тизимни яратиш;

**2. Молиявий механизмларни ривожлантириш:**

- Венчур капитали фондларини ташкил этиш ва ривожлантириш;
- Давлат-хусусий шериклик асосида инновацион лойиҳаларни молиялаштириш механизмларини кенгайтириш;
- Инновацион лойиҳалар учун солиқ имтиёзларини такомиллаштириш;

**3. Кадрлар салоҳиятини ошириш:**

- Лойиҳа бошқаруви бўйича халқаро сертификатлаштирилган дастурларни жорий этиш;
- Университетлар ва саноат корхоналари ўртасидаги ҳамкорликни кучайтириш;
- Хорижий мутахассисларни жалб қилиш орқали тажриба алмашинувини йўлга қўйиш;

**4. Халқаро ҳамкорликни кенгайтириш:**

- Халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликни кучайтириш;
- Икки томонлама инновацион фондларни ташкил этиш;
- Глобал инновация тармоқларига интеграциялашиш;

**Хулоса** қилиб айтганда, саноати ривожланаётган давлатларда, жумладан Ўзбекистонда инновацион лойиҳаларни бошқариш қатор мураккаб муаммоларга дуч келмоқда. Бу муаммолар институционал заифликлар, молиявий камомад ва кадрлар етишмовчилиги каби омиллар билан боғлиқ. Аммо бу муаммоларни ҳал этиш учун маҳаллий шароитларга мослашган сиёсатларни ишлаб чиқиш, кадрлар салоҳиятини ошириш ва инфратузилмани ривожлантириш орқали бартараф этиш мумкин.

Инновацион лойиҳаларни самарали бошқариш – бу мамлакатнинг технологик ривожланиши ва глобал рақобатбардошлигини таъминлашнинг муҳим шартидир. Шунинг учун ҳам ривожланаётган давлатлар инновацион лойиҳаларни бошқариш тизимини такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратишлари зарур.

**Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Жаҳон банки (2022). Ривожланаётган давлатларда инновацион сиёсат: муаммолар ва имкониятлар.
2. Ўзбекистон Республикаси Статистика қўмитаси (2020). Инновацион фаолият кўрсаткичлари: йиллик ҳисобот.
3. IT Park Uzbekistan (2024). Фаолият ҳисоботи, III чорак.
4. Indo-Israel Innovation Fund (2023). Annual Report.
5. World Bank InfoDev Program (2022). Impact Assessment Report.
6. Jahon banki (2020). "Uzbekistan to Modernize its National Innovation System with Support from the World Bank".

7. O‘zbekiston Respublikasi Statistika qo‘mitasi (2019). "Science and innovation in the Republic of Uzbekistan in 2019".
8. World Bank (2020). "Project Information Document - Modernizing Uzbekistan National Innovation System Project".
9. UNECE (2021). "Innovation for Sustainable Development Review of Uzbekistan".
10. Israel Innovation Authority (2023). "State of the High-Tech Industry in Israel 2023 Report". [gornitzky.com](http://gornitzky.com)
11. World Bank (2022). "An evaluation and impact assessment of business incubation models in Eastern Europe and Central Asia". World Bank
12. infoDev (2022). "About infoDev: A World Bank Group Program to Promote Entrepreneurship and Innovation". [finder.startupnationcentral.org](http://finder.startupnationcentral.org)
13. Startup Nation Central (2023). "2023 Israeli Tech Annual Report". [rise-il.org](http://rise-il.org)
14. DST India (2023). "10th India-Israel Industrial R&D and Technological Innovation Fund (I4F)". [dst.gov.in](http://dst.gov.in)
15. AgriTech4Uzbekistan (2023). "AgriTech4Uzbekistan Innovation Challenge". [agritechchallenge.org](http://agritechchallenge.org)